

ГЕРМАНИЯДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИШЛАНМАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Б.Бахромов – ТошДШИ магистранти

Ушбу мақолада Германияда илмий тадқиқот ва ишланмалари, уларни молиялаштириш хусусиятлари, ишланмаларга бўлган харажатларнинг ўсиш тенденциялари, “Евро Плюс” битими, “Европа 2020 стратегияси”, йирик компаниялар, ўрта ва кичик корхоналарни илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестиция киритиш имкониятлари қисқача ёритиб берилган.

Европада ўрта ва узоқ муддатли истикболда инқирозли ҳолатларни бартараф этишни мутахассислар Европа иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш зарурияти билан боғлайдилар. Унинг асосий йўналишлари эса ЕИ мамлакатлари томонидан 2010 йилда қабул қилинган “Европа 2020: изчил, барқарор ва ҳар томонлама ўсиш” (“Европа 2020 стратегияси”) номли дастурда аниқлаб берилган. Билимлар иқтисодиёти ва инновацияларга, энергияни тежаш сиёсати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга асосланган, шунингдек, юқори бандлик даражаси ва ижтимоий барқарорликни таъминловчи иқтисодий ўсишга мўлжалланганлик унинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Германия эса иқтисодиётни модернизациялашга интилиши, таркибий ўзгаришларни амалга оширишга тайёрлиги, шунингдек, давлат молиясининг етарли даражада шаффофлиги туфайли ўзини Европа иқтисодиётини барқарорлаштирувчи асосий омил деб қарайди ва Европа Иттифоқи инновация сиёсатини мувофиқлаштириш тарафдори сифатида қатнашмоқда.

Бунинг дастакларидан бири 2011 йилда Германия ва Франция ташаббуси билан қабул қилинган “Евро Плюс” битими ҳисобланади. У “Европа 2020” стратегиясидаги қоидаларни амалга оширишга йўналтирилган ҳар йилги чора-тадбирларни аниқлашни кўзда тутди.

Германияда бу чора-тадбирлар ислохотлар Миллий дастури номини олган ва ҳар йили йил бошида эълон қилинади ҳамда унда жорий йилдаги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари кўрсатилади.

Германия ислохотлар Миллий дастурида максимал технологик очиқлик шароитида инновацион ривожланиш учун оптимал шарт-шароитларни барпо этиш кўзда тутилган. Дастурдаги 22 та чора-тадбирлар жумласига асосий технологияларда Германиянинг илғор позицияларини мустаҳкамлаш учун дастур ишлаб чиқиш, “Электромобиллар дастури” доирасида инвестициялаш жараёнларини фаоллаштириш, тикланадиган энергия манбалари асосида энергетик тизимни қайта қуришни молиялаштирувчи махсус фондларни барпо этиш каби йўналишлар киради.

Мамлакат рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган ушбу чора-тадбирлар Германия юқори технологиялар Стратегиясини амалга ошириш

доирасига киради. Бу стратегия глобал чақириқлар ва миллий муаммоларни ҳал этиш учун инновация тизимининг барча қатнашчиларини ўзида бирлаштиради. Унинг амалга оширилиши туфайли мамлакатнинг барча секторларида инновацион жараёнларни ташкил этиш ва инновацион жараёнлар сифатининг яхшиланиши кузатилмоқда. Натижалар халқаро рейтингларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, Европа Комиссияси инновация иттифоқи тадқиқотларига мувофиқ Германия 2007 йилда 5 ўриндан 2011 йилда 3-ўринга, 2012 йилда эса 2-ўринга кўтарилди¹.

Таъкидлаш лозимки, Европадаги инқирозли вазиятга қарамасдан Германияда 2011-2012 йилларда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлар ўсиш тенденциясига эга бўлди. Иқтисодиёт ва технологиялар Федерал вазирлиги маълумотларига кўра, федерал ҳукуматнинг илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлари 2011 йилда 13,7 млрд. еврони, 2012 йилда эса 13,8 млрд. еврони ташкил этди².

Агар йирик компанияларда кенг ва узоқ муддатли тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса, ўрта ва кичик корхоналарда кичик инновация “машъаллари” кузатилади. Гарчи ўрта ва кичик корхоналар кўплаб иш ўринлари яратиш орқали Германия иқтисодиётида муҳим роль ўйнасада, йирик корхоналардан фарқли ўлароқ илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестиция киритиш имкониятлари чекланган.

Ўрта корхоналарнинг катта қисми оилавий корхоналар бўлиб, ўз жойларига боғланган ва йирик корхоналарга нисбатан экспортга кам маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Шу сабабли уларнинг фаолияти ички талабга боғлиқ. Аммо уларнинг баъзилари йирик корхоналарнинг мол етказиб берувчилари бўлганлиги сабабли жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга таъсирчан.

Илм сиғими юқори кичик корхоналар учун энг катта қийинчилик бошланғич лойиҳаларни амалга ошириш учун молиялаштиришнинг етарли эмаслиги ҳисобланади. Айни вақтда Германияда илмий тадқиқотлар ва инновацияларни мамлакат ичкарасида молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ошиши билан бирга ташқи манбаларнинг, хусусан, ЕИ дастурлари бўйича молиялаштиришнинг роли ортиб бормоқда.

Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштиришга энг катта ҳисса қўшаётган тармоқ саноат ҳисобланади. 2012 йилда бу тармоқ илмий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштиришга 42,5 млрд. евро маблағ сарфлади. Илм сиғими юқори саноатнинг асосини қуйидаги 5 та йирик тармоқларнинг корхоналари ташкил этади: автомобилсозлик, машинасозлик, электротехника ишлаб чиқариш, кимё ва фармацевтика. Bosch, Siemens, SAP, Volkswagen каби компаниялар халқаро бозорда нафақат товарларининг сифати, балки инновацияларга бўлган сиёсати билан ҳам ажралиб туради. Бу

¹ Научная и инновационная политика. Россия и МИР. 2011-2012. / под ред. Н.И. Ивановой, В.В. Иванова. - М.: Наука, 2013. – С.461.

² www.bmwi.de

сиёсат ҳояларнинг “пишиб-етилишига” сабрлилик ва “ишлаб чиқувчига ишонч аванси” билан тавсифланади³.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик ва ўрта корхоналарнинг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари турлича. Германияда корхона қанчалик кичик бўлса, давлат манбаларидан молиявий маблағлар олиш имконияти шунчалик кўпроқ бўлади. Хусусан, ишловчилар сони 20 кишидан кам бўлган корхоналарда илмий ишланмаларга бўлган харажатларнинг қарийб 25 фоизини давлат ўз зиммасига олади. Ишловчилар сони 50 дан 249 кишигача бўлган корхоналарда бу кўрсаткич 10 фоизгача, йирик корхоналарда 5 фоизгача пасаяди⁴.

³ www.magazin-deutschland.de, www.bosch.de

⁴ FuE-Datenreport 2012, Analysen und Vergleiche, Stifterverband für Statistik, стр. 48